

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 217 (1479)
3
Н О Я Б Р Ъ
С Е Ш А Н Б А
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН

КПСС XXI съезди Ватанимиз коммунизм қуришни
көнг авж олдириш даврига киришини бошлаб берди. Совет
Иттифоқи халқлари! Бутун нуч, бутун ғайрат—коммуни-
стик қурилишнинг улуғ вазифаларини бажаришга қаратил-
син!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 1960 йилги Давлат бюджетни тўғрисида Қ О Н У Н

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи
Олий Совети Қарор қилади:

1-модда. СССР Министрлар Совети томонидан тақдим
этилган СССР Иттифоқининг 1960 йилги Давлат бюдже-
ти Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Бюджет
комиссияларининг докладлари юзасидан қабул қилин-
ган ўзгаришлар билан, шунингдек Миллатлар Совети
Иқтисодий комиссиясининг таклифлари билан бирга,
чунончи: даромадлар бўйича 772.990.487 минг сўм
миқдорда ва харажатлар бўйича 745.808.593 минг
сўм миқдорда, даромадлар харажатлардан 27.181.894
минг сўм ортиқ қилиб тасдиқлансин.

2-модда. СССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетида
давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотла-
ридан тушадиган даромадлар жами 702.569.831 минг
сўм миқдорда белгилансин.

3-модда. СССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетида
халқ хўжалигини маблаг билан таъминлаш учун —
оғир саноатни, қурилиш индустриясини, энгил ва
оғир-қўқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспорт-
ни, уй-жой-коммунал хўжалигини ва халқ хўжалиги-
нинг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш учун
қилинадиган харажатлар жами 328.487.968 минг сўм
миқдорда белгилансин.

4-модда. СССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетида
социал-маданий таъдирларга — умумий таълим мак-
таблари, техникумлар, олий ўқув юрталари, илмий-
тадқиқот муассасалари, фабрика-завад таълими мак-
таблари, кутубхоналар, клублар, театрлар, маъбуот,
радиоёштинга ҳамда маориф ва маданият соҳасида-
ги бошқа таъдирларга; касалхоналар, беморлар ис-
лалари, санаторийлар, соғлиқни сақлаш ва физкультура
соҳасидаги бошқа муассасаларга; пенсия ва нафақалар
тўлашга ажратиладиган маблағлар жами 247.782.162
минг сўм миқдорда белгилансин.

5-модда. СССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетида
СССР мувофасига ажратиладиган маблағлар
96.121.000 минг сўм миқдорда белгилансин.

6-модда. СССРнинг 1960 йилги Давлат бюджетида
давлат бошқармаси органларининг харажатлари учун
ажратиладиган маблағлар 11.106.008 минг сўм миқ-
дорда белгилансин.

7-модда. 1960 йилги Иттифоқ бюджети даромадлар
бўйича 390.194.214 минг сўм миқдорда ва харажат-
лар бўйича 363.012.320 минг сўм миқдорда, даро-
мадлар харажатлардан 27.181.894 минг сўм ортиқ қи-
либ тасдиқлансин.

8-модда. Иттифоқчи республикаларнинг 1960 йил-
ги давлат бюджетлари жами 387.886.519 минг сўм миқ-
дорда, шу жумладан иттифоқчи республикалар бўйи-
ча қуйидаги миқдорда белгилансин:

(минг сўм ҳисобида)	
Россия Совет Федератив Соци- алистик Республикаси	231.853.381
Украина Совет Социалистик Республикаси	69.753.194
Белоруссия Совет Социалистик Республикаси	11.054.518
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси	10.196.226

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1959 йил 30 октябрь.

СССР Олий Советининг қарори

СССРнинг 1958 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий
Совети Қарор қилади:

СССРнинг 1958 йилги Давлат бюджетининг бажар-
илиши тўғрисидаги ҳисобот даромадлар бўйича

672.354.613 минг сўм ва харажатлар бўйича
642.749.990 минг сўм миқдорда, даромадлар хара-
жатлардан 29.604.623 минг сўм ортиқ бўлгани ҳолда
тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1959 йил 30 октябрь.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети пахта териш ва
давлатга солиш юзасидан "Областлар
ўртасидаги социалистик муносаба-
ларнинг 21 октябрдан 31 октябрга-
ча бўлган аҳолининг кўриб чиқиш
қарор қилинар:

Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитети, Ўзбекистон ССР
Олий Совети Президиуми ва Ўзе-
бекистон ССР Министрлар Советининг
қўчма Қизил байроғи Самарқанд об-
ластда доимий сақлаш учун қолди-
рилсин (област партия комитети-
нинг секретари ўртоқ Махмудов, об-
ласт ижроия комитетининг раиси
ўртоқ Абдулов, област комсомол
комитетининг секретари ўртоқ Асма-
динов, област қишлоқ хўжалик бош-
қармасининг бошлиғи ўртоқ Абду-
лов, совхозлар трестининг дирек-
тор ўртоқ Қаримов, Самарқанд халқ
Хўжалик қўғамини энгил енават бў-
лими бошлиғи ўртоқ Махмудов).
Бу област пахтакорларнинг XIII
қўрултойида қабул қилинган соци-
алистик мажбуриятни мустақилан
илгари бажариш ва пахта тайёрла-
ни муваффақиятли олиб бормоқда,
бутун пахта тайёрлаш даври даво-
мида қўчма Қизил байроғни ўз қў-
ли билан кўчиради. Бу област

қўчма Қизил байроғи Тошкент об-
ластга берилсин (област партия
комитетининг секретари ўртоқ Гуло-
нов, област ижроия комитетининг
раиси ўртоқ Жалолов, област ком-
сомол комитетининг секретари ўртоқ
Абдураҳмонов, област қишлоқ хўжа-
лик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ
Салимхўмидов, пахта тайёрлаш
трестининг бошқарувчиси ўртоқ Нор-
мухамедов). Бу област 21 октябрдан
31 октябрга-ча давлатта йиллик
планининг 12,22 проценти миқдорда
пахта сотди ва давлат планини 90,4
процент бажарди, машинада терилган
пахтани топириш йиллик планини
94,31 процент ва 21 октябрдан 31
октябрга-ча ўтган давр ичида 16,55
процент бажарди. Қўчма Қизил бай-
роқ Наманган обласидан олиб бе-
рилсин.

4. Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитети, Ўзбекистон ССР
Олий Совети Президиуми ва Ўзе-
бекистон ССР Министрлар Советининг
қўчма Қизил байроғи Бухоро об-
ластга берилсин (област партия ком-
итетининг секретари ўртоқ Ризаев,
област ижроия комитетининг раиси
ўртоқ Намозов, област комсомол ко-
митетининг секретари ўртоқ Мўми-
нов, област қишлоқ хўжалик бош-
қармасининг бошлиғи ўртоқ Абду-
лов). Бу област 21 октябрдан 31
октябрга-ча давлатта йиллик
планининг 21,87 проценти миқдорда
пахта сотди, давлат планини
77,38 процент бажарди, маши-
нада терилган пахтани топириш
йиллик планини 66,13 проценти
21 октябрдан 31 октябрга-ча ўтган
давр ичида 34,12 процент бажарди.
3. Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитети, Ўзбекистон ССР
Олий Совети Президиуми ва Ўзе-
бекистон ССР Министрлар Советининг

(ДАВОМИ ИНКИНЧИ БЕТДА)

ССР Иттифоқи ва иттифоқчи респу- бликаларнинг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида

Қ О Н У Н

I бўлим УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. СССРнинг Давлат бюджетни Совет давлати пул маблағлари
умумдавлат фондини вужудга келтириш ва ундан фойдаланишнинг асосий
молиярий планидир. Совет Иттифоқи миллий даромадининг саноат, қиш-
лоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқи ва халқ хўжалигининг бошқа тар-
моқларини ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг моддий фаровон-
лиги ва маданий савиясини оширишга, мамлакат мувофасига, давлат ҳо-
қимияти органларининг ва давлат бошқармаси органларининг ахтирла-
рига сарф қилинадиган қисми СССР Давлат бюджетида тўпланadi.

СССР Давлат бюджетининг маблағлари асосан, социалистик ишлаб
чиқаришни узлуксиз кенгайтириш ва тақомиллаштириш асосида доим
ўсиб бораётган социалистик хўжалик даромадларидан ҳосил бўлади. СССР
гражданилари СССР Давлат бюджетни даромадларини вужудга келтиришда
СССР қонуналари билан белгиланган солиқларни тўлаш ва маблағларни
ихтиёрий суратда топириш йўли билан ўзларининг шахсий даромадлари
билан қатнашадилар.

СССР Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш жараёнида корхона-
лар ва ташкилотларнинг молиярий ва хўжалик фаолияти устидан
уларнинг халқ хўжалик плани топириқларини бажаришлари устидан
контроль амалга оширилади.

2-модда. СССРнинг бюджет тузилиши тенг ҳуқуқли Совет Соци-
алистик Республикаларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида Иттифоқ да-
вати сифатида ташкил топан Совет Социалистик Республикалари Итти-
фоқининг давлат тузилиши билан белгиланadi. Шунга биноан, СССР
Давлат бюджетни иттифоқ бюджетини ва иттифоқчи республикаларнинг
давлат бюджетларини бирлаштиради.

Иттифоқ бюджетни ва иттифоқчи республикалар давлат бюджетлари-
ни СССР Давлат бюджетига бириктириш асосида СССР халқ хўжалиги-
ни ривожлантириш планига кўда тутилган тадбирлар учун маблағ аж-
ратилиши, умумий иттифоқ аҳамиятига эга бўлган тадбирларни амалга оши-
ришда иттифоқчи республикаларни қатнаштириш, иттифоқчи республика-
ларнинг экономикаси ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва
уларнинг ўзаро ёрдами таъминланади.

3-модда. СССР Давлат бюджетини тузиш, тасдиқлаш ва бажариш
ҳақида унинг даромадлари ва харажатларини иттифоқ бюджетни ва итти-
фоқчи республикаларнинг давлат бюджетлари ўртасида тақсимланиши
демократик централизм принципи асосида амалга оширилади. Демокра-
тик централизм иттифоқчи республикаларнинг суверен ҳуқуқларига,
автоном республикалар, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советла-
рининг ҳуқуқларига ва Совет социалистик давлати бюджет системаси
ҳақида молия сисатининг бирлигига риоя қилишни таъминлайди.

4-модда. СССРнинг Давлат бюджетни СССР Олий Совети томонидан
1 январдан 1 январга-ча бўлган бир йил муддатга тасдиқланади. СССР-
нинг тасдиқланган Давлат бюджетни қонунидир.

Министрлар ва ведомстволар, иқтисодий маъмурий районларнинг
халқ хўжалик қангалари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар
СССР Давлат бюджетини оғинамай ва пухта бажаришга, белгиланган
тўловларни бюджетга ўз вақтида ва тўла топириш туршига ҳамда дав-
лат маблағларини сарфлашда қаттиқ тежашга риоя қилишга мажбурдир-
лар.

5-модда. Ҳар бир Совет Социалистик Республикаси иттифоқчи рес-
публика давлат бюджетига ағадир. Бу бюджет иттифоқчи республиканинг
Олий Совети томонидан тасдиқланади.

Иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетлари иттифоқчи рес-
публикаларнинг республика бюджетларини, автоном республикаларнинг
давлат бюджетларини ва маҳаллий бюджетларни бирлаштиради.

6-модда. Ҳар бир Автоном Совет Социалистик Республикаси авто-
ном республиканинг давлат бюджетига ағадир. Бу бюджет автоном рес-
публиканинг Олий Совети томонидан тасдиқланади.
Автоном республикаларнинг давлат бюджетлари автоном республи-
каларнинг республика бюджетларини ва маҳаллий бюджетларни бир-
лаштиради.

7-модда. Ҳар бир ўлка, област, автоном област, округ, район, ша-
ҳар, посёлка Совети ва қишлоқ Совети маҳаллий бюджетга ағадир. Бу
бюджет меҳнаткашлар депутатларининг тегишли Совети томонидан тас-
диқланади.

8-модда. Давлат социал страхованиеси бюджетни СССР Давлат бюдже-
тига киритилади.

Давлат социал страхованиеси бюджетни Бутуниттифоқ Касаба Союз-
лари Марказий Совети томонидан тузилади ва касаба союз органлари
томонидан бажарилади.

9-модда. СССРда ишчилар ва хизматчиларнинг социал страхование-
си давлат ҳисобига амалга оширилади.

Давлат социал страхованиесининг маблағлари пенсияларни, меҳнат
қобилиятини вақтинча йўқотганда бериладиган нафақаларни, ҳомилдор-
лар ва туғинг юзасидан берилган нафақаларни тўлаш, санаторий ва
дам олиш уйларида йўлланмалар сотиб олиш ҳамда меҳнаткашларни
моддий жиҳатдан таъминлаш ва уларга маданий-маиший хизмат кўра-
тишга сарф қилинади.

II бўлим СССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

10-модда. СССРнинг Давлат бюджетни умуман СССР халқ хўжалиги-
ни ва иттифоқчи республикалар халқ хўжалигини ривожлантириш пла-
нига мувофиқ суратда даромадлар ва харажатлар бўйича тузилади.

11-модда. СССР Давлат бюджетининг даромадлари қуйидагиларни
ўз ичига олади:

- корхоналар ва хўжалик ташкилотлари даромадларининг бир қис-
ми оборот солиғи ва фойдалардан ажратмалар шаклида;
 - колхозлар, корхоналар ва кооператив системаларидаги ташкилот-
лар ҳамда жамоат ташкилотлари корхоналаридан олинadиган даромад
солиғи;
 - аҳолидан олинadиган солиқлар;
 - СССР қонуналарида кўда тутилган бошқа даромадлар.
- 12-модда. Давлат корхоналари ва хўжалик ташкилотлари, шунингдек
колхозлар, кооператив системаларидаги корхоналар ҳамда ташкилотлар
ва жамоат ташкилотлари корхоналарининг СССР Давлат бюджетига туш-
адиган тўловлари СССР қонуналари билан ва ана шу қонуналарга мувофиқ
суратда СССР Министрлар Советининг чиқариладиган қарорлари билан
белгиланади.
- Аҳолининг солиқ тўловлари СССР Олий Совети томонидан белги-
ланади.
- 13-модда. СССРнинг Давлат бюджетни:
- халқ хўжалигига;
 - социал-маданий таъдирлар ва фанка;
 - мамлакат мувофасига;
 - давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқармаси органлари,
суд ва прокуратура органлари харажатларига;
 - давлат моддий ва молия резерварларни вужудга келтиришга;
 - СССР қонуналарида кўда тутилган бошқа тадбирларга бўладиган
харажатларни ўз ичига олади.
- 14-модда. СССРнинг Давлат бюджетида халқ хўжалигига социал-
маданий таъдирлар ва бошқа тадбирларга бўладиган ҳамда СССР Дав-

лат бюджетни ва иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетларини тас-
диқлаш вақтида кўда тутиш изожи бўлмаган зарур харажатларни қоп-
лаш учун СССР Министрлар Совети ва иттифоқчи республикалар Ми-
нистрлар Советларининг резерв фондалари кўда тузилади.

15-модда. СССР Давлат бюджетни лойиҳасини тузиш учун СССР
Министрлар Совети томонидан белгиланган тартиб ва муддатларга му-
вофиқ:

а) Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари СССР халқ
хўжалигини ривожлантириш пани ва иттифоқчи республикаларнинг
халқ хўжалигини ривожлантириш панилари асосида иттифоқчи респу-
бликаларнинг давлат бюджетлари лойиҳаларини тузади ва бу лойиҳалар-
ни қараб чиқиш ҳамда СССР Давлат бюджетни лойиҳасига киритиш учун
СССР Министрлар Советига тақдим этадилар;

б) СССР министрликлари ва ведомстволари СССР халқ хўжалигини
ривожлантириш панида кўда тутилган топириқлар асосида молия
планлари лойиҳалари ва сметаларни тузадилар ҳамда уларни иттифоқ
бюджетни лойиҳасини тузиш учун СССР Министрлар Советига тақдим
этадилар;

в) Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети давлат социал
страхованиеси бюджетни лойиҳасини тузади ва бу лойиҳани қараб чиқиш
ҳамда СССР Давлат бюджетни лойиҳасига киритиш учун СССР Министр-
лар Советига тақдим этади;

г) СССР Молия министрлиги:
Иттифоқчи республикалар давлат бюджетлари лойиҳаларини итти-
фоқчи республикаларнинг вакиллари иштироки билан қараб чиқади ва
шу лойиҳалар юзасидан ҳулоса чиқаради;

давлат социал страхованиеси бюджетни лойиҳасини Бутуниттифоқ
Касаба Союзлари Марказий Совети вакилларининг иштироки билан қараб
чиқади ва шу лойиҳа юзасидан ҳулоса чиқаради;

СССР министрликлари ва ведомстволарининг молия планлари лойи-
ҳалари ва сметаларини улар вакилларининг иштироки билан қараб чи-
қади.

СССР Молия министрлиги мазкур лойиҳаларни қараб чиқиш:
иттифоқ бюджетни лойиҳасини тузади:

иттифоқ бюджетни, иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетлари
ва давлат социал страхованиеси бюджетни лойиҳаларига асосан СССР
Давлат бюджетни лойиҳасини тузиб чиқади ва бу лойиҳани иттифоқчи
республикалар давлат бюджетлари лойиҳалари ва давлат социал страхо-
ваниеси бюджетни лойиҳаси ҳақидаги ҳулосалар билан бирга СССР Ми-
нистрлар Советига тақдим этади.

16-модда. СССР Министрлар Совети СССР Давлат бюджетни лойиҳа-
сини қараб чиқади ва қуйидагиларни СССР Олий Советига тақдим этади:

а) СССР Давлат бюджетни — даромадларнинг умумий суммасида,
асосий даромад манбаларини ажратиб кўрсатган ҳолда, ва — харажат-
ларнинг умумий суммасида, халқ хўжалиги, социал-маданий таъдир-
ларга, мамлакат мувофасига, давлат ҳокимияти органлари, давлат
бошқармаси органлари, суд ва прокуратура органлари харажатларига
чиқариладиган маблағларни ажратиб кўрсатган ҳолда;

б) иттифоқ бюджетни — даромадларнинг умумий суммасида, асосий
даромад манбалари ажратиб кўрсатилган ҳолда, ва — харажатларнинг
умумий суммасида, харажатларнинг асосий турларини ажратиб кўрсат-
ган ҳолда, шунингдек бюджетга тўловларни ҳамда маблағ чиқариш
СССР айрим министрликлари ва ведомстволари бўйича тақсимланган
ҳолда;

в) иттифоқчи республикаларнинг СССР Давлат бюджетига киритил-
ган давлат бюджетлари ва давлат социал страхованиеси бюджетни;

г) умумий иттифоқ давлат солиқларидан ва даромадлардан иттифоқчи
республикаларнинг давлат бюджетларига ажратмаларнинг миқдори тўғ-
рисидаги таклифлар.

17-модда. СССР Министрлар Совети томонидан СССР Олий Советига
тақдим этилган СССР Давлат бюджетни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети
ва Миллатлар Советининг Бюджет комиссияларида олинadиган қараб чи-
қилади.

18-модда. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети-
нинг Бюджет комиссиялари:

а) СССР Давлат бюджетини қараб чиққан вақтда СССР министрлик-
лари ва ведомстволарининг ўз молия планлари ва сметалари ҳақидаги
докладларини, иттифоқчи республикалар Министрлар Советларининг
иттифоқчи республикалар давлат бюджетларининг даромад ва харажат-
лари ҳақидаги докладларини, Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий
Советининг давлат социал страхованиеси бюджетни даромадлари ва хара-
жатлари ҳақидаги докладдин тинглайдилар, шунингдек СССР Давлат
бюджетининг даромадлари ва харажатларини ўзгаришга тааллуқли бўла-
ган ва СССР министрликлари ҳамда ведомстволари, иттифоқчи респу-
бликаларнинг Министрлар Советлари ва Бутуниттифоқ Касаба Союзлари
Марказий Совети томонидан тақдим этилган таклифларини қараб чиқади-
лар;

б) СССР Давлат бюджетни ҳақидаги ҳулосаларни тузиб чиқадиладар
ва СССР Олий Советига тақдим этадилар.

19-модда. СССР Олий Совети СССР Давлат бюджетини СССР Ми-
нистрлар Советининг доклад бўйича ва Иттифоқ Совети ҳамда Миллат-
лар Совети Бюджет комиссияларининг ҳулосалари бўйича қараб чиқади,
шунингдек СССР Давлат бюджетини муҳокама қилиш вақтида СССР Олий
Совети депутатлари томонидан киритилган таклифларини қараб чиқади.

20-модда. СССР Олий Совети қуйидагиларни тасдиқлайди:

а) СССРнинг Давлат бюджетини — даромадларнинг умумий сум-
масида, асосий даромад манбаларини ажратиб кўрсатган ҳолда, ва — хара-
жатларнинг умумий суммасида, қуйидагилар учун ажрамадар кўрса-
тилган ҳолда:

Халқ хўжалигини маблаг билан таъминлашга;
социал-маданий таъдирларга, шу жумладан, давлат социал страхо-
ваниеси бюджетни бўйича;
мамлакат мувофасига;

давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқармаси органлари, суд ва
прокуратура органлари харажатларига;

б) иттифоқ бюджетини;

в) умумий иттифоқ давлат солиқлари ва даромадлардан иттифоқчи рес-
публикаларнинг давлат бюджетларига ажратмалар миқдорини.

Иттифоқчи республикаларнинг Давлат бюджетлари СССР Давлат бю-
джетига ҳар бир иттифоқчи республика даромадларининг умумий сум-
масида ва харажатларнинг умумий суммасида белгиланади.

21-модда. СССР Давлат бюджетни тўғрисидаги Қонун ҳаммининг
хабардор бўлиши учун эълон қилинади.

22-модда. СССР Министрлар Совети СССР Давлат бюджетини бажар-
илиши СССР Молия министрлиги, СССР министрликлари ва ведомстволари
ҳамда иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари орқали уюш-
тиради.

СССР Молия министрлиги, СССР министрликлари ва ведомстволари
ҳамда иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари бюджетда
кўда тутилган барча даромадларининг бажарилишини, бюджет маблағла-
рини белгиланган мақсадларга ва ишлаб чиқариш ҳамда молия план-
ларининг бажарилишга қараб қаттиқ тежаб сарфлашни таъминлайди-
лар.

СССР Давлат бюджетининг касса бўйича бажарилиши СССР Давлат
банк томонидан амалга оширилади.

(ДАВОМИ ИНКИНЧИ БЕТДА)

ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида

Қ О Н У Н

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

23-модда. СССР Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот СССР Молия министрлиги томонидан тузилади ва СССР Министрлар Совети белгиланган тартиб ва муддатларда СССР Министрлар Советига тақдим этилади.

24-модда. СССР Министрлар Совети СССР Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни СССР Олий Советига тақдим этади.

25-модда. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Бюджет комиссиялари СССР Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни қараб чиқадилар, ҳисобот юзасидан ҳуқуқ чиқарадилар ва бу ҳуқуқларни СССР Олий Советига тақдим этадилар.

26-модда. СССР Олий Совети СССР Министрлар Советининг доклади ва Иттифоқ Совети ҳамда Миллатлар Совети Бюджет комиссияларининг ҳисоботи бўйича СССР Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни қараб чиқадилар ва тасдиқлайди. Бу ҳисобот иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетлари ва давлат социал страхованиеси бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни ўз ичига олади.

СССР Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот юзасидан СССР Олий Советининг қарори ҳаммаи хабардор қилиш учун эълон этилади.

27-модда. СССР Давлат бюджетининг бажарилиши устидан контроль СССР Молия министрлиги томонидан СССР Министрлар Совети белгиланган тартибда амалга оширилади.

III бўлим

ИТТИФОҚ БЮДЖЕТИ

28-модда. Иттифоқ бюджети ҳўжалик ва маданий қурилиш соҳасида ҳамда мамлакат муҳофазаси соҳасида умумий иттифоқ аҳамиятига эга бўлган тадбирларни зарур пул маблағлари билан таъминлайди. Иттифоқчи республикаларнинг экономикасини бутун чоралар билан ривожлантириш, иттифоқчи республикалар ҳалқларининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ўстиришни таъминлаш мақсадларида молия ресурсларининг бир қисmini иттифоқчи республикалар ўртасида қайта тақсимлаш иттифоқ бюджети орқали амалга оширилади.

29-модда. Иттифоқ бюджети қўйидаги даромадларни ўз ичига олади:

а) Корхоналар ва ташкилотлардан олинган оборот солигини, иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетларига топшириладиган қисмидан ташқари;

б) иттифоқ ташкилотларига бўйсунган давлат корхоналари ва ҳўжалик ташкилотларининг фойдаларини ажратмаларни;

в) иқтисодий маъмурий районлар ҳалқ ҳўжалиги кенгашлари ихтиёрида бўлган корхоналар ва ҳўжалик ташкилотлари фойдаларидан ажратмаларнинг бир қисmini, СССР Министрлар Совети томонидан белгиланган миқдорда;

г) аҳолидан олинган даромад солигини, иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетларига топшириладиган қисмидан ташқари;

д) СССР қонунларида қўзда тутилган тамоғна даромадлари ва бошқа даромадлар.

30-модда. Иттифоқ бюджети қўйидаги харажатларни ўз ичига олади:

а) Иттифоқ ташкилотларига бўйсунган корхоналар ва ҳўжалик ташкилотларига маблағ чиқариш;

б) иттифоқ ташкилотларига бўйсунган муассасалар ва ташкилотларнинг маориф, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, физкультура соҳасидаги тадбирларига маблағ чиқариш, шунингдек пенсиялар тўлашга ва социал таъминот бўйича амалга ошириладиган бошқа тадбирларга маблағ чиқариш;

в) давлат моддий ва молиявий резервларини вужудга келтиришга маблағ чиқариш;

г) мамлакат муҳофазасига маблағ чиқариш;

д) давлат ҳокимияти органлари ва СССР давлат бошқармаси органлари, СССР Олий Суди ва прокуратура органлари харажатларига маблағ чиқариш;

е) СССР қонунларида мувофиқ, иттифоқ бюджетидан маблағ ажратилган бошқа тадбирларга маблағ чиқариш учун бўладиган харажатларни.

Ушбу Қонуннинг 14 моддасига мувофиқ иттифоқ бюджети составида СССР Министрлар Советининг резерв фонди вужудга келтирилади.

31-модда. Иттифоқ бюджети даромад ва харажатлар рўйхати бўйича бажарилади. Бу рўйхат СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган бюджетга мувофиқ, СССР Молия министрлиги томонидан тузилади.

IV бўлим

ИТТИФОҚЧИ РЕПУБЛИКАЛАРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТЛАРИ

32-модда. Иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетлари иттифоқчи республикалар давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқармаси органлари томонидан амалга ошириладиган ҳўжалик ва маданий қурилиш зарур пул маблағлари билан таъминлайди.

33-модда. Иттифоқчи республикаларнинг бюджет тузилиши уларнинг давлат тузуми билан белгиланади ва ушбу Қонунга мувофиқ иттифоқчи республикаларнинг Олий Советлари томонидан белгиланади.

Ҳар бир иттифоқчи республика ўз давлат бюджетини тузиш, қараб чиқиш, тасдиқлаш ва бажариш соҳасида тенг ҳуқуқларга эгадир.

34-модда. СССР Давлат бюджети тасдиқланганидан кейин СССР қонунлари ёки СССР Министрлар Советининг қарорлари чиқарилиб, иттифоқчи республикалар давлат бюджетларининг харажатлари қўйиладиган ёки даромадлари камийтирилган тақдирда, СССР Давлат бюджетининг бажарилиши жараёнида ана шу бюджетларга иттифоқ бюджетидан маблағ ажратилади; иттифоқчи республикалар давлат бюджетларининг харажатлари камийган ёки даромадлари қўйиладиган тақдирда, тегишли суммалар иттифоқ бюджетига топширилади.

35-модда. Иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетларига қўйидаги даромадлар топширилади:

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1959 йил, 30 октябрь.

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

қармасининг бошлиғи ўртоқ Алиев, совхозлар трестининг директори ўртоқ Федоренко, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Абдурахмонов. Бу олдидан пахта сотиш давлат планини 101,4 процент бажарди, 21 октябрдан 31 октябргача ўтган давр ичида йиллик планини 11,60 проценти миқдорда пахта сотди, машинада терилган пахтани топшириш планини 106,83 процент бажарди ва 21 — октябрдан 31 — октябргача ўтган давр ичида 11,86 процент бажарди. Ўшма йилги байроқ Сурхондарё обдистидан олиб берилсин.

5. Қўйидагиларнинг пахта териш ва сотишда яхши натижаларни таъминлаб ўтдилар:

а) Қорақалпоғистон АССР (область) партия комитетининг секретари ўртоқ Махмудов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг

раиси ўртоқ Жуманазаров, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Камолов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тлеумуров, Қорақалпоғистон АССР ҳўжалик ҳўжалик министри ўртоқ Бухоров, совхозлар трестининг директори ўртоқ Аминов. Қорақалпоғистон ҳалқ ҳўжалик кенгаши енгил саноат бўлимининг бошлиғи ўртоқ Зинов. Қорақалпоғистон АССР 21 октябрдан 31 октябргача ўтган давр ичида йиллик планини 19,34 проценти миқдорда пахта сотди, давлат планини 75,65 процент бажарди, машинада терилган пахтани топшириш планини 78,12 процент бажарди ва 21 октябрдан 31 октябргача ўтган давр ичида 37,89 процент бажарди.

б) Наманган области (область) партия комитетининг секретари ўртоқ Топиров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Муродов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Назаров, область ҳўжалик ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нишонов, совхозлар трестининг директори ўртоқ Абдуллаев, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Нўрмонов. Бу область 21 октябрдан 31 октябргача ўтган давр ичида йиллик планини 10,76 проценти миқдорда пахта сотди, давлат планини 90,79 процент бажарди, машинада терилган пахтани топшириш планини 119,24 процент қилиб бажарди. 21 октябрдан 31 октябргача ўтган давр ичида аса 17,14 процент бажарди.

в) Фарғона область (область) партия комитетининг секретари ўртоқ Қамбаров, область ижроия комитетининг раиси вазифининг бажарувчиси ўртоқ Камолов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тиллаҳўжаев, область ҳўжалик ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Остапенко, совхозлар трестининг директори ўртоқ Азимов, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Мирзоахмедов. Бу область 21 октябрдан 31 октябргача ўтган давр ичида давлат 10,57 процент пахта сотди ва йиллик планини 87,63 процент бажарди, машинада терилган пахтани топшириш планини 97,9 процент, 21 октябрдан 31 октябргача ўтган давр ичида аса 25,34 процент бажарди.

СССР Олий Совети депутатини қақриб олиш тартиби тўғрисида Қ О Н У Н

Депутатни қақриб олиш ҳуқуқи социалистик демократизмининг асосий қондаларидан биридир. Ушбу Октябрь социалистик революцияси натижасида Совет давлатида жорий қилинган бу ҳуқуқ меҳнаткашлар тўла ҳокимиятининг ифодасидир ва депутатнинг сайловчилар олдида ҳаққий жавобгар бўлишини таъминлайди.

Шуни назарда тутиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети СССР Конституциясининг 142-моддасига мувофиқ қарор қилади:

1-модда. СССР Олий Совети депутати сайловчиларнинг шонинини оқлама ёки депутат деган юксак унвонига бўлмаган ҳаракатларни қилса, тегишли сайлов округидаги кўпчилик сайловчиларнинг қарори билан, исталган вақтда қақриб олиниши мумкин.

2-модда. СССР Олий Совети депутатини қақриб олиш ҳақидаги масалани кўтаруш ҳуқуқи меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари ва жамятларига: коммунистик партия ташкилотларига, қасаба соъазларига, кооператив ташкилотларига, ёшлар ташкилотлари ва маданий жамятларига — уларнинг марказий, республика, ўлка, область, округ, район; шаҳар органлари орқали, шунингдек корхона ва муассасалар бўйича ишчи ва ҳўжаликларнинг умумий йиғилишларига, колхоз ва қишлоқлар бўйича ҳўжаликларнинг умумий йиғилишларига, ҳарбий қисмлар бўйича ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилишларига берилади.

3-модда. Депутатни қақриб олиш тўғрисида масала кўтарувчи жамоат ташкилотлари қақриб олиш тўғрисидаги масалани қўйиш ваъжларини баён этиб, бу ҳақда депутатга хабар қиладилар.

Депутат қақриб олиш ҳақидаги масалани кўтарувчи жамоат ташкилотларига ёки меҳнаткашларнинг йиғилишларига ўзича қақриб олиш тўғрисидаги масаланинг қўйилишига асос бўлган сабаблар ҳақида олғани ёки ёзма шаклда изоҳ беришга ҳақлидир.

4-модда. Депутатни қақриб олиш тўғрисидаги масалани кўтарган жамоат ташкилотларининг ва меҳнаткашлар йиғилишларининг қарорлари СССР Олий Совети Президиумига юборилади.

СССР Олий Совети Президиуми тақдим этилган материалларни қариб қиқди ва депутатни қақриб олиш тўғрисидаги масала ушбу Қонунга талабларига риоя қилиб кўтариладиган бўлса, депутатни қақриб олиш тўғрисидаги масаланинг олғани қўйилишини таъминлайди.

5-модда. СССР Олий Совети депутатини қақриб олиш тўғрисидаги масала тегишли сайлов округи сайловчиларининг ушбу Қонундаги 2-моддада кўрсатилган жамоат ташкилотлари томонидан корхоналар, муассасалар, колхозлар, ҳарбий қисмлар бўйича, шунингдек сайловчиларнинг турар-жойлари бўйича ўтказилган йиғилишларига муҳокама қилинади ва ҳал этилади.

СССР Олий Совети депутатини қақриб олиш тўғрисидаги масала юзасидан қарор оғиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

6-модда. СССР Олий Совети Президиуми депутатни қақриб олиш тўғрисидаги масалани олғани қўйилиш таъинлаганидан кейин, СССР Конституциясининг 125-моддасига биноан, ҳар бир жамоат ташкилотига, шунингдек СССРнинг ҳар бир граждани депутатни қақриб олиш учун ёки унинг қақриб олинишига қарши бемалол агитация юргизиш ҳуқуқи берилади.

7-модда. Депутатни қақриб олиш тўғрисидаги масалани олғани қўйиш вақтида ушбу Қонуннинг бажарилишини кузатиш учун ҳамда тегишли сайлов округида овоз бериш натижаларини аниқлаш учун меҳнаткашлар жамоат ташкилотларининг ва жамятларининг вакилларидан, шунингдек меҳнаткашлар умумий йиғилишларининг вакилларидан иборат Округ комиссияси тузилади. Комиссия составида раис, раис ўринбосари, секретарь ва 4 дан 8 кишигача аъзо бўлади.

Иттифоқ Совети депутатини қақриб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказувчи Округ комиссияси ўлкаларга ва областларга бўлинган республикаларда — меҳнаткашлар депутатлари, ўлка, область Совети ижроия комитетлари томонидан, ўлка ва областларга бўлинган республикаларда аса — республика Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланади.

Миллатлар Совети депутатини қақриб олиш ҳақида овоз беришни ўтказувчи Округ комиссияси ижорида кўрсатилганча, иттифоқчи ёки автоном республика Олий Совети Президиуми томонидан, автоном область ёки миклий округ меҳнаткашлар депутатаари Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

8-модда. Сайловчиларнинг йиғилишлари протоколларида йиғилишнинг вақти ва жойи, йиғилишда қатнашган сайловчиларнинг сони, депутатнинг қақриб олинишининг ёқлаб ёки қақриб олинишига қарши берилган овозларнинг сони кўрсатилади.

Сайловчилар йиғилишнинг протоколига йиғилиш президиумининг ҳамма аъзолари қўш қўйиладилар ва бу протокол депутатни қақриб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказувчи Округ комиссиясига уч кун муддат ичида топширилади.

9-модда. Депутатни қақриб олиш ҳақида овоз беришни ўтказувчи Округ комиссияси сайловчилар йиғилишларининг протоколлари асосида, депутатнинг қақриб олинишини ёқлаб ёки унинг қақриб олинишига қарши округ бўйича берилган овозларни ҳисоблаб чиқадилар ва депутатни қақриб олиш ҳақида овоз бериш натижаларини аниқлайди.

Округ комиссияси депутатни қақриб олиш ҳақида овоз бериш натижалари тўғрисидаги протоколни СССР Олий Совети Президиумига топширади.

10-модда. СССР Олий Совети депутати шу сайлов округидаги сайловчиларнинг кўпчилиги унинг қақриб олинишини ёқлаб овоз берган тақдирда қақриб олинишга деб ҳисобланади.

11-модда. Депутатни қақриб олиш ҳақида овоз беришни ўтказувчи Округ комиссияси депутатни қақриб олиш ҳақидаги овоз бериш натижаларини овоз бериш натижалари аниқлангандан кейин беш кундан кечиктирмай эълон қилади.

12-модда. СССР Олий Совети депутатини қақриб олиш ҳақида овоз беришни ўтказиш вақтида ушбу Қонуннинг бузилиши тўғрисидаги шикоятларни депутатни қақриб олиш ҳақида овоз беришни ўтказувчи Округ комиссияси қараб чиқадилар.

Депутатни қақриб олиш ҳақида овоз беришни ўтказувчи Округ комиссиясининг нотўғри ҳаракатлари ҳақидаги шикоятларни СССР Олий Совети Президиуми қараб чиқадилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1959 йил 30 октябрь.

Налинин район меҳнаткашларининг муваффақияти

Калинин райони колхоз ва совхозлари ушбу Октябрь байрамининг 42 йиллиги ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақани кенг қиантиб, саъзаот, поля акциялари ва картошка сотиш давлат планини ўтган йилга қараганда 25 кун илгари, 29 октябрда бажардилар. 1958 йилга нисбатан 6002 тонна саъзаот, 5545 тонна поля акциялари ва 5703 тонна кўп картошка сотдилар.

Шунингдек, давлатга гўшт, сут, туҳум, жун, пилла сотиш плани ҳамда жамоат чорвачилигини ривожлантириш планлари ҳам муддатидан илгари адо этилди.

Район колхоз ва совхозлари етиштирилган барча ҳосили йиғиштириб олиб, ушбу Октябрь революциясининг 42 йиллигини ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам бажариш билан нишонлаш, шунингдек ерларни шудор қилишни эрта тамомлаб, парник ҳўжалигини тайёрлаб қўйиш, чорва қишлоқини намунали ўтказиш учун курашмоқдалар.

БУЛАР ҲАМ РАПОРТ БЕРДИЛАР

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз коллективи Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллик байрами шарафига ўзаро социалистик мусобақани кузатиб, йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарди. Совхоз коллективи 3 минг 600 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25,86 центнердан ҳосил олиб, давлат оғирига 9 минг 312 тонна пахта топширди. Давлатга топширилган пахтанинг тенг ярми машина билан териб олинди. Машина билан пахта териш плани 157 процент бажарилди.

Совхоз коллективи бу ютуқда квадрат-уялаб чигит ақини «кент жорий қилгани, 32 та трактор-далачилик бригадаси ташкил этгани, машина билан пахта теришга кент йўли очиб бергани тўғрисида эришди.

Ўртоқ Я. Юғай бошлиқ бўлим ишчилари планини 113 процент қилиб бажариб катта галабага эришдилар. Ҳалик Жаппаш бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари 204 гектар ердан 710 тонна пахта йиғиб олдилар.

Мамут Катаманов, Махмуд Хусанов, Сервер Жаналдиев, Х. Худойназаров сингари меҳнат-ҳайдовчилар 50-80 тоннагача етказиб пахта тердилар. Совхоз коллективи давлатга ана 700 тонна пахта етказиб бериш тўғрисида қўшимча мажбурият олди.

Йиғилди райондаги Киров номили колхоз аъзолари ҳам галаба рапорти бердилар. 2272 гектар ернинг ҳар гектаридан 26,6 центнердан ҳосил йиғиб олган бу колхоз аъзолари давлатга 5744 тонна пахта топшириб, йиллик планини муваффақиятли бажардилар. Колхознинг аъзам пахтакорлари ана минс тонна пахта етказиб бериш тўғрисида қўшимча мажбурият олдилар.

Шунингдек, Бўяа районидан ҳам хушхабар олинди. Мичурин номили колхоз 1040 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан, Окуновобоев номили колхоз аъзолари 740 гектар ернинг ҳар гектаридан 24,5 центнердан ҳосил йиғиб олиб, йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Мичурин номили колхоз аъзолари пландан ташқари ана 800, Окуновобоев номили колхоз аъзолари аса 700 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар.

СССР ПАРЛАМЕНТ ГРУППАСИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

31 октябрда Катта Кремль Сароёида, СССР Олий Советининг мажлис залыда СССР Парламент группасининг умумий йиғилиши бўлди. СССР Олий Совети депутатлари СССР Парламент группаси комитетининг 1958 йил март ойидан 1959 йил октябргача ўтган давр ичидаги ишлари ҳақида берган ҳисоботини тингладилар ва муҳокама қилдилар. Бу ҳақда СССР Парламент группасининг Раиси депутат О. В. Куусинен доклад қилди.

Доклад юзасидан музокарада депутатлар Ю. И. Палезник, В. И. Довгопол, И. П. Скуловлар қатнашдилар.

СССР Парламент группасининг умумий йиғилиши комитетнинг ҳисобот давридаги фаолиятини ақдлийлик билан маъқуллади ҳамда Парламент группасининг фаолиятини янада

ривожлантириш йўларини белгиледи.

Умумий йиғилиш Парламент группаси комитетига ўзининг аъзалиги ишида СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрущевнинг Ҳалқро ахвол ва Совет Иттифоқининг тартиби сибати тўғрисидаги доклады юзасидан СССР Олий Совети қабул қилган қарорга ҳамда Совет ҳукуматининг ёлпасига ва батамом кудросланиши ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этган таклифини қўллаб-қувватлаш тўғрисида жаҳондаги барча мамлакатларнинг парламентларига қарата чиқариладиган мурожаатга амал қилишнинг топшири.

Умумий йиғилиш депутат З. А. Лебедевини группасининг ўринбосарларидан бири қилиб сайлади ҳамда депутат Б. А. Губинни группасининг секретари қилиб тасдиқлади.

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ берилди

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 26 октябрдан 1 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқди. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи қуйидагиларда қолдирилди. Гулистон районида. (Район партия комитетининг секретари Н. Унубоев, район ижроия комитетининг раиси Т. Умаров, район комсомол комитетининг секретари Р. Хуназаров, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи Г. Г. Сутушев ўртоқлар). Бу район ўтган олти кун ичида давлатга планга нисбатан 5,31 процент миқдорда пахта сотган, давлат планини 98,36 процент бажарган, мавсум бошидан бери машинада 5069 тонна пахта терган ёки машинада пахта териш планини планга нисбатан 79,20 процент миқдорда бажарган; Янгийўл районида (район партия комитетининг секретари И. Юнусов, район ижроия комитетининг раиси М. Тоғиев, район комсомол комитетининг секретари Б. Холмиров, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи О. Зокпиров ўртоқлар). Бу район ўтган олти кун ичида давлатга планга нисбатан 6,04 процент миқдорда пахта сотилган, давлат планини 83,63 процент адо этилган, мавсум бошидан бери машинада 2708 тонна пахта терилган, ёки машинада пахта териш плани 100,3 процент бажарилган; Пискент районидан «Пискент» совхозига (директори А. В. Ниселев, партия ташкилотининг секретари М. Мирзиёлов, ишчилар комитетининг раиси А. Хайруллин ўртоқлар). Бу совхоз ўтган олти кун ичида давлатга планга нисбатан 8,32 процент пахта тайёрлаган, давлат планини 93,90 процент ва машинада пахта териш планини эса 103,36 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Пискент районида берилди. (Район партия комитетининг секретари Х. Латипов, район ижроия комитетининг раиси Т. Худойбердиев, район комсомол комитетининг секретари М. Абдулхалимов, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи И. Хайдаров ўртоқлар). Бу район ўтган олти кун ичида давлатга планга нисбатан 7,28 процент миқдорда пахта тайёрлаб, давлат планини 101,42 процент бажарган, мавсум бошидан бери машинада 2832 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 101,42 процент бажарилган. Байроқ Қуйи Чирчиқ районидан олиб берилди.

Пахта териш ва уни давлатга сотишда қуйидагиларнинг яхши ишлаганликлари қайд қилинди. Бекобод райони (район партия комитетининг секретари И. Наримов, район ижроия комитетининг раиси Ф. Қодиров,

район комсомол комитетининг секретари Ю. Пустов, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи Н. Қозимов ўртоқлар), бу район ўтган олти кун ичида планга нисбатан 5,29 процент миқдорда пахта тайёрлаб, давлат планини 86,3 процент бажарган; Ормоникидзе райони (район партия комитетининг секретари К. Топшўлатова, район ижроия комитетининг раиси Р. Носиров, район комсомол комитетининг секретари А. Муродов, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи Х. Обидов ўртоқлар), бу район бўйича ўтган олти кун ичида планга нисбатан 7,02 процент миқдорда пахта тайёрланган, давлат плани 87,62 процент бажарилган.

Пахта териш ва давлатга сотиш ҳамда машина теримини намунали ушатиришда қуйидагиларнинг яхши ишлаганликлари қайд қилинди. Оқўрғон райони (район партия комитетининг секретари Р. Нишонбоев, район ижроия комитетининг раиси М. Намолов, район комсомол комитетининг секретари Т. Тоғиев, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи Х. Г. Валиев ўртоқлар). Бу район бўйича ўтган олти кун ичида давлатга планга нисбатан 5,83 процент миқдорда пахта сотилган, давлат плани 89,53 процент бажарилган, машинада мавсум бошидан бери 6595 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 104,68 процент бажарилган; Чиноз райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ А. А. Акромов, район ижроия комитетининг раиси Н. Қирғизбоев, район комсомол комитетининг секретари М. Қосимов, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи П. А. Жениевский ўртоқлар). Бу район ўтган олти кун ичида планга нисбатан 5,87 процент миқдорда пахта сотган, давлат планини 85,87 процент бажарган, мавсум бошидан бери машинада 3961 тонна пахта терган ёки машинада пахта териш плани 127,77 процент бажарилган.

Оқўрғон районидан «Оқўрғон» совхозининг машинада пахта теришни намунали ташкил этишдаги яхши иши қайд қилинди. (Совхоз директори Ж. Акромов, партия ташкилотининг секретари Р. Бердиев, ишчилар комитетининг раиси Л. Г. Бобин ўртоқлар). Бу совхоз мавсум бошидан бери машинада 4082 тонна пахта терган ёки машинада пахта териш планини 104,67 процент бажарган.

Йигим-терим даврида намуна кўрсатиб ишлаган илғор термичиларни, меҳаник-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Гулистон, Пискент ва Янгийўл районларида 5 минг сўмдан пул ҳамда илғор колхоз-ва совхозларга сотиш учун бу районларнинг ҳар бирига 3 тадан автомашина ажратилди. Шунингдек Оқўрғон районидан «Оқўрғон» совхозига илғор ишчиларни мукофотлаш учун 2 минг сўм пул берилди.

Қуйи Чирчиқ медицина мактабига (директори Ҳасанов, партия ташкилотининг секретари Майтис, комсомол ташкилотининг секретари Бекловова ўртоқлар) ва учёт-бухгалтерия техникумига (директори Г. Ш. Шамшиев, партия ташкилотининг секретари Н. Б. Наримов, комсомол ташкилотининг секретари Р. Теминкиров ўртоқлар). Бу коллективлар бутун терим даврида термичи студент ва ўқувчиларнинг юксак унвондорлик билан ишлашга аришган ва ҳар бир термичи ўрта ҳисоб билан 2,5 ва ундан ортиқ тоннадан пахта терган.

Пахта йигим-теримида Тошкент фармацевтика институти, Тошкент тўқимачилик институти, Тошкент электротехника алоқа институти, Тошкент темир йўл транспорт инженерлари институти, Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, учёт-кредит, савдо, электротехника техникумлари, Янгийўл медицина мактаби ва меҳнат резервлари мактаблари коллективларининг яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Йигим-теримда юксак кўрсаткичларга эришган студентлар, ўқувчилар ва ўқув йўлларининг раҳбарлари област партия комитети ва область ижроия комитетининг ёрлиқлари билан мукофотландилар. Олий ва махсус ўрта ўқув йўлларининг пахта йигим-теримида алоҳида намуна кўрсатиб ишлаган студентлари, ўқувчилари, ўқитувчилари, партия, комсомол ва касба соҳа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари билан

М. Мирзаев, ЮКОРИ ЧИРЧИК. Калинин номидаги колхоз аъзолари КПСС Марказий Ком

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта тайёрлаш суръатини бўшаштирмайлик!

Область колхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 1 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Колхозларнинг номи	Мавсум бошидан бери	Колхоз раиси	Партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан
1. «Қизил шарк»	181,43	М. Ойхўжаев	З. Раҳматова	Қуйи Чирчиқ
2. «Политотдел»	184,47	Хван М.	Ким С. Ф.	ЮКОРИ Чирчиқ
3. «Свердлов номи»	139,09	Ким Д. А.	Эм Т. В.	ЮКОРИ Чирчиқ
4. «Ильич номи»	137,87	У. Ҳарқинбоев	Б. Раҳматов	Бўна
5. «Сталин номи»	136,29	Д. Сафаров	Т. Волгабоев	Қуйи Чирчиқ
6. Охунбобоев номи	133,95	М. Рузиматов	К. Ераенов	Урта Чирчиқ
7. Жанов номи	127,70	А. Дусебоев	Х. Раҳматов	Пискент
8. Тельман номи	127,57	Х. Эгамкулов	М. Рустамов	Пискент
9. «Коммунизм»	124,59	Р. Латипов	А. Қурбонов	Бойвут
10. «Победа»	123,19	Р. Абдураҳимов	А. Холмиров	Бекобод
11. «Сталин номи»	119,24	М. Литвинов	Р. Ҳуснов	Пискент
12. «XXI партсъезд»	117,90	Ким Г. Х.	Ан П. В.	Гулистон
13. Калинин номи	117,26	А. Тургунов	А. Марасулов	Пискент
14. Ленин номи	114,28	С. Назаров	Р. Орифонов	Гулистон
15. «Правда»	114,20	Пой И. А.	Котай Д. Ф.	ЮКОРИ Чирчиқ
16. Хрушчев номи	112,77	Х. Абдикулов	Н. Қосимов	Пискент
17. Мичурин номи	111,47	Т. Каримов	П. Жаббаров	Бўна
18. «Ҳақиқат»	110,99	Н. Пўлдошев	М. Ҳанминов	Сирдарё
19. К. Маркс номи	107,27	Ю. Хўжабеков	С. Усмонов	Бойвут
20. Свердлов номи	107,00	Д. Ойлов	А. Мустафакўлов	Чиноз
21. «Москва»	106,77	М. Мирзаев	Р. Алимов	Гулистон
22. «Космик восток»	106,44	А. Носиров	Хейга Ч. Ю.	Гулистон
23. К. Маркс номи	104,45	У. Пардаев	К. Шамшиев	Гулистон
24. Энгельс номи	104,27	А. Холмиров	А. Нисонов	Пискент
25. Ленин номи	104,20	З. Шокиров	С. Оминов	Бойвут
26. «Коммунизм»	103,15	З. Жалолов	Т. Мирзаев	Ўрта Чирчиқ
27. Ормоникидзе номи	103,01	У. Хўжаев	Г. Отауллоев	Ўрта Чирчиқ
28. Димитров номи	103,00	Шин Д. Д.	Лин Ч. С.	Қуйи Чирчиқ
29. «Гулистон»	102,89	Цой Е. Ф.	Ким Ч. С.	Ўрта Чирчиқ
30. «Ленинград»	102,69	Қ. Синдаров	А. Тожиев	Сирдарё
31. Жамбул номи	102,62	Қ. Шукуров	З. Сайдинов	Бўна
32. «Полярная звезда»	102,54	Ким П. Х.	Ан И. Ч.	Ўрта Чирчиқ
33. Охунбобоев номи	101,93	Ю. Холмиров	Т. Насилов	Бўна
34. К. Маркс номи	101,76	Ян С.	Р. Боймуродов	Оқўрғон
35. Красин номи	101,64	Б. Жумабоев	Д. Дўсанов	Қуйи Чирчиқ
36. «Ленинский путь»	100,73	Ким А. В.	Н. В. В.	Гулистон
37. «Северный маяк»	100,04	Пой С. Г.	Цой П. В.	Ўрта Чирчиқ
38. М. Горький номи	98,83	Ш. Раҳимов	З. Мирзаев	Сирдарё
39. «Красная заря»	98,49	А. Тураниев	Тян Б. С.	Гулистон
40. «УзССР 30 йиллиги»	97,82	И. Ахмедов	А. Мираҳмедов	Чиноз
41. Шверник номи	97,50	У. Пўлдошев	Т. Шохидов	Пискент
42. Куйбишев номи	97,12	Т. Гуломов	Т. Маматов	Сирдарё
43. Киров номи	96,92	Д. Сафаров	Р. Қолжонов	Янгийўл
44. Сталин номи	96,85	К. Синдаров	Б. Яхеев	Сирдарё
45. Калинин номи	96,64	Ем Е. М.	Т. Ахтаев	Ўрта Чирчиқ
46. «Гулистон»	95,84	И. Хайдаров	А. Эргашев	Пискент
47. «Ленинизм»	95,52	И. Тешабоев	Б. Нисомов	Гулистон
48. Свердлов номи	95,41	М. Соиббоев	А. Рустамов	Сирдарё
49. «Ўзбекистон»	95,35	М. Алимухамедов	К. Қуранов	Сирдарё
50. «Октябрь»	95,20	А. Д. Брухтий	С. Файзиёв	Гулистон
51. Ленин номи	95,10	Т. Эрнарзоров	Х. Давиров	Чиноз
52. Сталин номи	94,92	И. Талаббаев	А. Сағибов	ЮКОРИ Чирчиқ
53. «Ленинбод»	94,90	М. Юнусов	К. Эгамбердиев	Оқўрғон
54. Киров номи	94,80	Н. Гийсов	Г. Абдуазимов	Ормоникидзе
55. «Ок олтин»	94,69	Ш. Холқов	З. Қўшбеков	Гулистон
56. «1 Май»	94,25	Б. Мамазов	Г. Нигматуллин	Сирдарё
57. Киров номи	93,83	Р. Далийев	А. Юсупов	Чиноз
58. Хрушчев номи	93,60	К. Жўраев	К. Иноғомжонов	Бўна
59. Ильич номи	92,75	В. Гаспарян	И. Бондаренко	Сирдарё
60. Сталин номи	92,62	А. Ортиков	Ф. Мадалиев	Янгийўл
61. «Коммунизм»	92,31	А. Ашурова	А. Жаҳонов	Чиноз
62. «Ленинград»	91,88	Т. Пўлдошев	Б. Саматов	Гулистон
63. Тельман номи	91,69	С. Бўриев	У. Хандов	Оқўрғон
64. Охунбобоев номи	91,52	А. Убайдуллаев	И. Бойназаров	Сирдарё
65. Ворошилов номи	91,20	Н. Топилов	А. Абдимўминов	Пискент
66. «Коммунизм»	90,66	Э. Мансуров	Э. Эшонқулов	Сирдарё
67. «Правда»	90,63	Х. Жўраев	А. Ериев	Сирдарё
68. К. Маркс номи	90,47	Х. Абдуллаев	Цой М.	Ўрта Чирчиқ
69. Хрушчев номи	90,30	Ф. Мухомия	Д. Тошматов	Ормоникидзе
70. «Ленинизм»	90,18	М. Қулимиров	Ш. Нисонов	Бўна
71. «XXI партсъезд»	90,07	Ю. Мираҳмедов	Х. Эргашев	Чиноз
72. «Озол»	90,03	Ю. Азимов	И. Содин	Оқўрғон
73. Ленин номи	89,90	Р. Эгамбердиев	У. Исломов	Ормоникидзе
74. «Коммунизм»	89,69	М. Исматов	И. Усмонов	Янгийўл
75. Ленин номи	89,49	Р. Эгамбердиев	А. Толилов	Оқўрғон
76. «XX партсъезд»	89,22	Х. Мақсудов	М. Ахмедов	Ормоникидзе
77. Фрунзе номи	88,94	И. Тоғиев	Б. Ботирбеков	Гулистон
78. Энгельс номи	88,80	Э. Шамсиев	И. Бўрибеков	Чиноз
79. «Красный Октябрь»	88,35	Я. Н. Пискорс-У.	Жаббаров	Сирдарё
80. Мичурин номи	88,14	И. Алиев	С. Иброҳимов	Гулистон
81. Крупская номи	88,05	Х. Турсукулов	С. Шомуротов	Гулистон
82. «XXI партсъезд»	87,25	Ю. Файзиёв	К. Олимов	Янгийўл
83. «XX партсъезд»	86,58	М. Хайитов	Х. Абдукаримов	Бўна
84. Ленин номи	86,47	В. Дўсмуротов	Э. Фармонов	Бекобод
85. Куйбишев номи	86,31	С. Раҳмонов	Д. Садаев	Оқўрғон
86. Ленин номи	86,17	О. Қўчқоров	Ж. Тўйчиев	Янгийўл
87. «III интернационал»	85,95	Н. Нисомов	К. Уразаев	ЮКОРИ Чирчиқ
88. Жамбул номи	85,86	М. Тоғиев	С. Абдулов	ЮКОРИ Чирчиқ
89. «Ленин номи»	85,27	М. Иброҳимов	Т. Шодибенов	Бўна
90. «Коммуна»	85,20	У. Соликов	М. Қурбонов	Гулистон
91. Навоий номи	84,79	О. Отабев	Х. Турдалиев	Бекобод
92. Дзержинский номи	84,65	А. Шукрулиев	М. Бегматов	Бекобод
93. «Октябрь»	84,37	П. Сулаймонов	Ж. Шамсиев	Сирдарё
94. Ленин номи	84,37	Пак Г. А.	Д. Ч. Г.	Ўрта Чирчиқ
95. Жанов номи	84,27	У. Д. Кан	А. Рихсиев	Янгийўл
96. Калинин номи	83,89	Н. Қоржоллов	С. Тажбеков	Оқўрғон
97. «Қизил Ўзбекистон»	83,43	А. Мақсудов	Х. Элбўсинов	Ормоникидзе
98. «Гулистон»	83,24	М. Маннонов	Р. Норқўлиев	Бекобод
99. Ворошилов номи	82,33	Р. Отабев	А. Туратов	Оқўрғон
100. Энгельс номи	82,00	А. Қўсаев	У. Сидиқов	Ўрта Чирчиқ
101. К. Маркс номи	81,55	А. Султонов	Т. Сидиқов	Янгийўл
102. Охунбобоев номи	80,77	А. Субанов	Т. Чинибеков	Оқўрғон
103. Вильямс номи	80,25	Г. Азаматов	Д. Зайдов	Бўна
104. К. Маркс номи	80,10	Қ. Султонов	Ш. Жуманов	Сирдарё
105. «Коммунизм»	80,06	М. Усмонов	Ж. Эргашев	Гулистон
106. Навоий номи	80,00	И. Норбоев	Т. Нортеев	Чиноз
107. «Ленинизм»	79,75	И. Юсупов	М. Пўлдошев	ЮКОРИ Чирчиқ
108. Ленин номи	79,67	Б. Умаров	Ж. Султонов	Бўна
109. «Қизил Октябрь»	78,85	Ж. Рустамов	Н. Исмоилов	Чиноз
110. Тимирязев номи	78,53	Х. Қурбонов	Н. Усмонов	Бўна
111. Т. Шевченко номи	78,44	Ж. Маманов	Н. Алиев	Сирдарё
112. Ленин номи	78,35	И. А. Вездетний	И. Ашеров	Сирдарё
113. «Октябрь 40 йиллиги»	78,05	Қ. Каримов	П. Ф. Саудийкин	Чиноз
114. «XXI партсъезд»	77,70	О. Норматов	Р. Умаров	Янгийўл
115. «Октябрь 40 йиллиги»	77,12	Ногай А. Н.	Э. Ҳролов	Оқўрғон
116. «Коммунизм»	76,77	Б. Умаров	Ч. Бозоров	Бўна
117. Фрунзе номи	76,69	К. Саидбеков	С. Тўлаганов	Янгийўл
118. Сталин номи	76,65	М. Мусурмонов	М. Умаров	Бўна
119. «Ленинбод»	76,09	Р. Дадажонов	Н. Исматов	Бўна
120. Сталин номи	75,63	Р. Мираҳмедов	К. Султонов	Гулистон
121. Сталин номи	75,36	Т. Муҳаммадов	А. Шигапов	Оқўрғон
122. Сталин номи	74,76	Х. Ойлов	Т. Қудратова	Чиноз
123. «Ленин йўли»	74,25	Э. Усмонов	И. Қурбонов	Ўрта Чирчиқ
124. «XXI партсъезд»	74,13	А. Душобоев	М. Салимбеков	Бўна
125. Свердлов номи	74,10	У. Мусаев	Р. Усмонов	Янгийўл
126. К. Маркс номи	73,96	А. Қўлибеков	М. Абдиев	Бўна
127. «Победа»	73,45	И. Саидов	Т. Қўнадузов	Сирдарё
128. «XX партсъезд»	73,31	И. Ойлов	А. Исақов	Ўрта Чирчиқ
129. Сталин номи	72,98	А. Асанов	Ю. Дадабев	Ўрта Чирчиқ
130. Навоий номи	72,71	А. Оминов	Қ. Пардиев	Оқўрғон
131. «Ленинград»	71,92	А. Тошқороев	А. Хошимов	Ормоникидзе
132. «Шарк юлдузи»	69,30	Х. Турсукулов	Б. Султонов	Янгийўл
133. Свердлов номи	69,07	М. Махаммадов	А. Саломов	Ўрта Чирчиқ
134. Куйбишев номи	67,14	Р. Пўлдошев	Б. Оқбердиев	Ўрта Чирчиқ
135. «Октябрь 40 йиллиги»	63,98	Х. Хайдаров	Х. Сотқулов	Бўна
136. «Меҳнат бирлиги»	62,08	И. Икромов	Ж. Файзуллаев	ЮКОРИ Чирчиқ
137. М. Горький номи	54,43	С. Каримжонов	Б. Қўйбоқов	Ўрта Чирчиқ
138. «Победа»	54,32	Т. Қосимов	Х. Булоқбоев	Чиноз
139. Жанов номи	33,17	Т. Сафаров	С. Турсунов	ЮКОРИ Чирчиқ

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 1 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар номи	Мавсум бошидан бери	Совхоз директорининг фамилияси	П
----------------	---------------------	--------------------------------	---

ҒАЙРАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ПИСКЕНТЛИК ПАХТАКОРЛАР!

Районнинг илғор кишилари



Эртоқ А. ТУРГУНОВ.
Калинин номи колхоз раиси.



Эртоқ Х. КОДИРОВ.
Тельман номи колхознинг бригадир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Эртоқ М. МАДАМИНОВА.
«Гулистон» совхозининг термичиси



Эртоқ Х. ҒАМКУЛОВ.
Тельман номи колхозининг раиси.



Эртоқ М. АБДУКАРИМОВА.
Хрущев номи колхозининг термичиси.



Эртоқ А. ҒАФУРОВ.
Энгельс номи колхозининг бригадир.



Эртоқ А. ХИДИРОВА.
Ворошилов номи колхозининг термичиси.



Эртоқ Т. ГАЙДАРОВ.
«Пискент» совхозининг бригадир.



Эртоқ С. УРАЗОВА.
Калинин номи колхозининг термичиси.

МУВАФФАҚИЯТИМИЗНИНГ ГАРОВИ

Район меҳнаткашлари аjoyиб ғалабага эришдилар: Пахта тайёрлаш плани муддатидан илгари бажарилди. Давлатга 20800 тонна, яъни 1958 йилдаги қараганда 8700 тонна кўп пахта сотилди. Пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди! Ҳади далада пахта кўп. Уни йигиб-териб олиш давом этаётир.

Айрим колхозлар ва «Пискент» совхозининг бўлимлари ҳосилдорлигини оширишда жуда яхши натижага эришдилар. Тельман номи колхозининг аъзолари ҳар гектар ердан 31 центнер, Хрущев номи колхозининг аъзолари 26 центнер ҳосил йигиб олдилар. Шунингдек, Сталин номи, Калинин номи, Энгельс номи, Жданов номи колхозларининг аъзолари, «Пискент» совхозининг 5 ва 6 бўлимларининг коллективлари ҳам мўл ҳосил кўтардилар.

Районда бу йил пахтадан бу қадар мўл ҳосил олишга, йигим-теримни тез сурутлар билан ўтказишга қандай қилиб эришилди?

Район партия комитети, колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва правлениелари бу йил пахта етиштиришни комплекс механизациялашга ҳар қачонгилан ҳам кўп эътибор бердилар.

Йил бошида колхозларда ва «Пискент» совхозининг таърибли механизатор ва пахтакорлар бончилигида 100 га яқин трактор-далачилик бригадаси ташкил этилди. 10300 гектар майдоннинг ҳаммасига чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди ва барча майдондаги гузага механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишлов берилди.

Асосий майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилишининг яна бир асосий сабаби шундаки, районда га-ганова-гайишчилар ҳаракати кенг тус олди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари бу

ватанпарварлик ҳаракатини пахта ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилни оширишнинг асосий омил деб билдилар, уни кенг пропаганда қилдилар. Калинин номи колхозининг бригадир коммунист Эртоқ Э. Алинулов ўз бригадасини ташлаб, қолоқ бригадага бошчилик қилишга ўтди ва бу ерда ҳосилдорликни 40 центнерга кўтарди. Ворошилов номи колхозининг бригадир А. Шерматов, «Гулистон» колхозининг бригадир К. Душаев ва бошқа коммунистлар ҳам қолоқ бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар қаторига кўтардилар.

Бу йилги тажриба бундан кейин ҳосилнинг асосий қисmini машиналар билан териб олиш ва шу заилда пахтачиликни комплекс механизациялашга тўла амалга ошириш мумкин эканлигини кўрсатди. Районда йигим-теримни тезлаштириш ва пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажаришда машина терими ҳал қилувчи роль ўйнади.

Қайси колхоз, бригада ва бўлима пахта кўпроқ машина билан терилган бўлса ўша ерда палан олдин бажарилди, кўп ҳосил олинди. Ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Тельман номи, Хрущев номи, Калинин номи, Жданов номи, Сталин номи ва Энгельс номи колхозлар муваффақиятга шу йўл билан эришдилар.

Тельман номи колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист Эртоқ Ҳақимов Қодиров бошчилик бригадасида 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 60 центнердан ортиқ пахта териб олди. Ҳосил машина билан терилган карталар шудгор қилинмоқда. Умуман район колхозларида ва «Пискент» совхозининг бу йил 90 ма-

шина ишлади ва ҳозиргача 2800 тонна пахта машина билан териб олинди. Бу ўтган йилгига нисбатан қариб 10 баравар кўпдир.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари пахта йигим-терими даврида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кенг миқёсда олиб бордилар. Йигим-терим бошлангандан буюн 300 га яқин коммунист ва комсомол бевосита пахта тераётир, хирмонда ва пахтани ташлашда намуна кўрсатиб ишламоқда. Жданов номи колхоз термичиси Туроп Арслонов, «Пискент» совхозининг бригадир, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Зарифа Ўбайдуллаева, шунингдек М. Маламинова, Ч. Ражабова ўртоқлар каби коммунист ва комсомоллар ҳозиргача 12 — 17 тоннадан пахта тердилар. Юзлаб термичилар ўнбеш-мингчилар ҳаракатига қўшилиб, ҳар кун 200 — 350 килограммдан пахта тераётирлар.

Ҳозир колхозларда, «Пискент» совхозининг бўлимида кўпчилиги коммунист ва комсомоллардан иборат 750 агитаторни бирлаштирган 24 агитколлектив ишлаб турипти. Улар колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида маъмули суҳбатлар ўтказмоқдалар, уларни партия ва ҳукуматининг томонидан қабул қилинаётган муҳим қарорлар билан, мамлакатимизда ва халқаро ахлолда юз бераётган янгиликлар билан таништириб бормоқдалар.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига яна давлатга 3200 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Район партия ташкилоти бу мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, даладаги барча ҳосилни нобуд қилмай, тезроқ йигиб олиш ва келгуси йил мўл ҳосилга тайёргарликни қилиб юбориш юзасидан барча зарур чораларни кўрди.

Х. ЛАТИПОВ,
район партия комитетининг секретари.

Районнинг илғор кишилари



Эртоқ А. МУРОДОВ.
Жданов номи колхозининг бригадир.



Эртоқ А. ХОДЖИГИТОВ.
Энгельс номи колхозининг раиси.

Омманинг авангарди

Партия ташкилоти бу йил ўз олдига коммунистлар бошчи бригадаларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилишини таъминлаш бўли билан колхозда ялпи пахта ҳосилни кўпайтириш вазифасини қўйди.

Айни вақтда пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар тобора кучайтирилди, илгорларнинг таърибаси кенг оммалаштирилди. Бу иш асосан коммунист ва комсомоллардан иборат 27 кишилик агитколлектив ёрдами билан амалга оширилди. Коммунист И. Икромов, Н. Паг, комсомол аъзоси К. Зиёбулдинов каби ўртоқлар колхозчилар ва механизаторлар ўртасида мароқли суҳбатлар ўтказдилар.

Коммунистлар йигим-терим даврида омманинг авангарди ролини ўйнадилар. У. Тошев, Ж. Миколов, Х. Қундузов, Ш. Аҳадовлар ўртоқлар бошчи бригадалар биринчи бўли пахта тайёрлаш планини бажардилар. Бу, колхоз планини муддатидан олдин тўлайтириш имконини берди, 560 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта олинди, ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга 1280 тонна ўрнига 1430 тонна пахта сотилди.

Ҳозир КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига қўшимча 400 тонна пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни ҳам тўла бажариш юзасидан кураш қизғин давом этаётир.

Н. ҚОСИМОВ,
Хрущев номи колхоз партия ташкилотининг секретари.



Эртоқ М. ЭШБОВА.
Тельман номи колхозининг термичиси.



Эртоқ А. РАҲМОНОВ.
Калинин номи колхозининг механик-ҳайдовчиси.



Эртоқ А. БЕРДИЕВ.
Тельман номи колхозининг эвено бошчили.

ЯНА МАРДЛИК КУТАР ЭЛ

(Пискентлик пахтакорларга)
Етти йилгизимиз — халқлар дейдики, —
Келтирди эфр шодлик, ғалаба ва кут.
Туғилган ватаним — азиз Пискентим
Қувонча зафардан бермоқда рапорт!
Мен Пискент қизиман, онам алласин!
Супада тингладим тоғ саҳарларда.
Алла эшитгандай ҳаловат тойдим.
Сени кўрган сари шон-зафарларда.
Иш қўзини билган асл деҳқонсан,
Ўзани яшнатган майд паҳлавонсан.
Ерларинг бепоён, олтинга қонсан,
Зафардан бонг урган марди майдонсан.
Шухратинг юксалсин, пахтанг бўлсин тоғ.
Иккинчи йилга ҳам боғла маҳкам бел.
Ғаниматдир фурсат, қимматли ҳар чоғ,
Яна янги мардлик кутар сендан эл.

Музаляна АЛАВИЯ.

Энди ишни кузги шудгор билан боғлаб олиб бормоқдамиз

Бўлимиз ишчилари 950 гектар ерга чигит экиб, давлатга 1700 тоннадан ортиқ биринчи сорт пахта сотдилар ва йиллик пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар.

Бу йилги мавсумда машина билан пахта теришга жуда катта эътибор берилди. 500 тонна пахта машина билан терилди, план анча ошириб бажарилди. Машина билан пахта териш планининг ошириб бажарилишида Жалил Мусақулов, Тўймабой Алишев, Саъдулла Хусанов, Ёқуб

Налибоев каби механик-ҳайдовчиларимиз катта гайрат қилдилар.

Биз қолган, ҳосилни ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ердан яна 5 центнердан, жами 400 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдик. Шу билан бирга кузги шудгорни ҳам бошлаб юбордик. 50 гектар ердаги кўсак териб олди. 25 гектар пахта майдон шудгор қилинди.

А. ШЕРАНОВ,
«Пискент» совхозининг 5-бўлим бошқарувчиси.

П О Л В О Н

Камтар, камсуҳан, йўрон ғавдали, забардаст, хушмўйлов, кучли биллаклари унча-мунча полвонларнинг белини қайиштириб юборадиган Ҳақимнинг юраги кураш деса жигилларди. Йигитлик гурури жўш урган чоғларида тоҳо Ҳақим катта давраларда полвонлар билан бед олишиб қоларди. Аммо унинг елкаси сира ерга тегмаган. У чапастлиги учун эмас, кучи кўплиги учун голиб чиқарди. Шунинг учун ҳамма уни Ҳақим полвон дейдиган бўли. Шундай бўлса ҳам унинг шухрати Пискентдан узоққа кетмади.

Тошкент каналида қурила бондлаган вақтларда экскаватор, бульдозер деган гап қайда эди дейсиз. Тумонат одам кетмон билан канал қазиб, қоп билан тупроқ ташир эди. Ҳақим полвон ўша кезларда яшиққа солиingan 100 килограмм тупроқни «елкасига кўтариб таший бошлад. Бунинг кўрганлар «оббо азамат-ей» деб ҳангманг бўлган эдилар. Ҳозир бу воқеани эслаган баъзи кишилар «Ҳақим полвон ўша вақтнинг экскаватори эди» деб қўядилар. Ҳақим полвоннинг шухрати ана ўшанда чиққан.

Ойлар, фаслар, йиллар ўтди. Ўшандан бери Ҳақим полвон манман-деган деҳқонлар, миришкор пахта усталари билан бед олишиб келмоқда. Гоҳо у, чиллари бирорта полвонни йикитиб қўйиб, ҳамма полвон-полвон деганига маҳлиё бўлиб юра-берган эканмиз. Ҳақимий полвонлик бўёқда экан» деб қўяди. Хўш, Ҳақим полвон айтган ҳақикий полвонлик нимадан иборат?

Тельман номи колхоз жойлашган қашлоқнинг номи нега Қултепа деб аталади. Ҳақим полвон урушдан майиб бўлиб қайтган, ана шу Қултепанинг ҳар гектаридан 6 центнердан ҳосил олинган ерларида бригада бошлиғи бўлиб иш бошлади. 20 гектарлик ерга эга бўлган бу бригада атрофи қаминзор, қўриқда эди. Ана шу қўриқ ерлардан Ҳақим полвон бошчи бригада аъзолари биринчи йилнинг ўзидаёқ 30 центнердан ҳосил олдилар. Ҳақим полвон фақат курашда эмас, меҳнатда, юқо-

ри ҳосил олишда ҳам полвонлигини кўрсатди.

20 гектарлик ер Ҳақим полвоннинг назарида гўё қақоқоннинг дўписини кийиб олгандай ёки гўдак билан бед олишайтгандай туюлди. У ўзинча «Э полвон, иш қилсанг, бўй-бастингга яраша иш қил-да», деб ўйлади. Ҳақим полвоннинг ўша қўриқдан очиб пахта майдонига айлантирган ери энди 100 гектарга етди.

Бутун куч ва эътиқодини пахтадан мўл ҳосил олиш учун сарфлаган Ҳақим полвон Қодиров учун 1956 йил эфр бахт ва саодат келтирди. Унинг илҳос қўйиб қилган меҳнатларининг ердин самараси эл олдида намоён бўли. 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил олган Ҳақим полвон Қодировга СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан энг олий — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрли ун-

вон берилди. Унинг кенг кўрагида олтин юлдуз ҳалол ва фидокорона меҳнатларини ифодалаб, яқинраб турибди. Ҳақим полвоннинг ҳақикий шухрати ва донги ана шу кундан бошланди.

Бу улуг ишонч Эртоқ Қодировни Ҳақим полвон қилган бригада аъзоларини ҳам руҳлантириб юборди. Улар Ҳақим полвонга берилган унвонини ўзларига берилгандек ҳис қилиб, яна ҳам астойдил ишлаб бошладилар. 1957 ва 1958 йилларда об-ҳаво ноқулай келди. Шунда ҳам бригада аъзолари бўш келмадилар. Ҳар гектар ердан 42—46 центнердан ҳосил олиб яна голиб чиқдилар.

Бу йил, айниқса Ҳақим полвон бошчи бригада аъзолари ундан ҳам катта ғалабага эришдилар. Улар эллик центнерча Ғанишер Юнусовнинг қақирғига биринчи бўлиб қўшили-ган эдилар. Ҳақим полвон Ғанишер билан йилгизда бўлган област

кенташда қўл олишган эди. Улар эл олдида берган ўз сўзларининг устидан чиқиш учун эб бўлиб тер тўкиб ишладилар. Оруз ота Орипов, Абдулла ота Бердиев, Абдуҳақим Сатторов, Ҳақим Пулдошев, Кўчкор Азимов, Алаш Ашуровлар бригаданинг кичик командиарли, моҳир эвено бошчиқлари, юқори ҳосил олишининг тилини билган пахта усталари. Улар Ҳақим полвон билан бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилдилар.

Яқинда биз шу бригадада бўлдик. Дала шийони ёнидаги пахтаеси машина билан териб олинган қарга ўзгараёси билан шудгор қилинапти.



Ҳақим полвон Қодиров бригадасида шудгорлаш пайти.

В. Салов фотолари.

— Икки йилдан бери ерни гўза-поя билан ҳайдаймиз. Чунки шундай қилинса, ҳайдалган ернинг тағларигача шомол кириб, баҳорда туш-роғи қумоқ-қумоқ бўлиб қоларкан. Ундан кейин гўзапоя чириб, яхши ўғит бўларкан. Ер ҳайлаганда туш-роққа-тушроқ қўшилиса ҳосил олади, — деди Ҳақимполвон изох беради.

— Тушроққа-тушроқ қўшим деганимиз нимаси?

— Чуқурроқ ҳайлаш керак деганим, чуқурроқ ҳайдалса ҳосилга-ҳосил қўшилиди.

Биз борган кун Ҳақим полвон бошчи бригада аъзолари яна бир донадан ошган, ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил топширган экан. Тошкент каналида у йў килограммдан тушроқ кўтарган бўлса, энди у ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил кўтарибди. Оруз ота билан Абдулла оталар ўз эвеноларидан 6Г—62 центнердан ҳосил йигиб олибдилар. Мана буларни ҳақикий полвон, мард деса бўлади.

Агар бу ишларнинг ҳикматлари тўғрисида суҳбатлашиб қолсангиз, Ҳақим полвон дастлаб ерга квадрат уялаб чигит эккан, гўзайди икки томонлама парвариш қилган механизаторлардан-Ҳалил Исаев, Ҳайдарали Малаевларнинг номларини тилга олади. Машина билан 110 тонна пахта териб берган механик-ҳайдовчиларга раҳмат ўқийди. Махбуба Пулдошева, Майда Боқиева, Марҳамат Эшбеева, Ҳамид Ҳожиқулова сингари термичи қизларни мақтаб кетади.

Тельман номи колхоз ҳозиргача

600 гектар ердан 1830 тонна пахта териб, планин 123 процент бажарибди. Бундан 6 миллион 240 минг сўм даромад олибди. Ҳақим полвон бригадаси эса 100 гектар ердан 2 миллион 65 минг сўм даромад қилибди. Унинг колхоз даромадига қўшган ҳиссаси шу бўпти.

— Ҳақим ака, — деди хайр-лашатириб, — ўзингиз оширмай ёки қамайтирмай жавоб беринг, ҳар гектар ердан олинган ҳосилни неча центнерга етказмоқчисиз?

— 72 центнердан десам кўп бўлади, 70 центнердан десам кам бўлади, мўлжалимиз 71. Ваъданим ҳам шу.

Бригаданинг 16 гектарлик картаси олмасор бог. Бригадага борадиган тўғри йўл атрофида миришкорлар солдатлардай саф торттиб турибди. Колхоз қишлоғи анча кўрак, обод ва сердароҳт. Йўллар раво. Хонадонларнинг томларида радио ва телевизор антенналари кўкка бўй чўшиб турибди. Мана шу гўзал қишлоқни негизда Қултепа деб аталар экан. Йўқ, энди бу ерларнинг ҳиссаси бу нем тўғри келмайди. Уни ўзгартариш керак. Табиат неъматларини кураш билан торттиб олаётган полвонларга эга бўлган бу қишлоқнинг отини энди Қултепа дейиш, Қултепани рўйхатдан ўчириб ташлаш керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
Х. АБДУСАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари.

Редактор: З. ЕСЕНБОВЕВ.